



2013 у.р. “20” декабр № 1498-к Самарқанд т-р Самарқанд

Самарқанд туман «Даштакиболо» қишлоқ фуқаролар йиғини “Қавчинон” маҳалласи «Мароқанд агротехсервис» агрофирмаси ҳудудидан фуқаро Мўминова Мартабага автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш шаҳобчаси қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 февралдаги “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорларни ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг 2013 йил 13 декабрдаги 179 рақамли баёни, «Мароқанд агротехсервис» агрофирмасининг 2013 йил 20 ноябрдаги 1-сонли умумий йиғилиш баёни, Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2013 йил 16 декабрдаги 1194-сонли хулосаси, фуқаро Мўминова Мартабани туман ҳокимлигига берган аризаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг 2013 йил 13 декабрдаги 179 рақамли баёни ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. Самарқанд туман «Даштакиболо» қишлоқ фуқаролар йиғини “Қавчинон” маҳалласи «Мароқанд агротехсервис» агрофирмаси ер харитасининг 294 контуридан фуқаро Мўминова Мартабага автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш шаҳобчаси қуриш учун жами 0,55 га (шундан: 0,55 га ижтимоий бино ва ҳовли) ер майдони ажратилсин.

3. Фуқаро Мўминова Мартабага автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш шаҳобчаси бино иншоотларини қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 54 моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2014 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (О. Исмоилов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ф. Солиев)га топширилсин.

5. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О. Мухторов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Б. Садуллаев